Ilm-fanni rivojlantirish - ustuvor vazifa

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ИЛМ–ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган юртимизнинг илм-фан ва маърифий салоҳиятини юксалтиришга бугун юксак эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2016 йилнинг 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан бўлиб ўтган учрашувда, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийинлиги, мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан эканлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Мухаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Орадан қисқа муддат ўтиб, Президентимизнинг "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат билан иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида турли вазирлик ва идоралараро бир қатор илмий тадқиқот муассасалари Фанлар академияси тасарруфига ўтказилди.

2020 йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб номланишида ҳам илм-фанга бўлган юксак эътибор намунаси эканлигини илғаш қийин эмас. Жорий йилнинг 31 январь куни Президентимиз раислигида Фанлар академияси фаолиятининг долзарб масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда академия фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор ижросининг бориши муҳокама қилинди.

Фанлар академияси тизимидаги 11 та илмий тадқиқот муассасаси ўз фаолиятини қайтадан тиклади. Математика институти, Ядро физикаси институти ва Сейсмология институти фаолияти тубдан такомиллаштирилди ва Миллий археология маркази ташкил этилди. Шу жумладан, тадқиқот ядро реакторининг иш фаолияти тўлиқ тикланди. Тиббиётда қўлланиладиган изотопларни циклотрон ва ядро реакторида ишлаб чиқиш технологияси яратилди ва материалларни гамма нурлар билан радиациявий қайта ишлаш технологик тизими йўлга қўйилди, стерилланган тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари, ичимлик сувини тозалаш ва зарарсизлантириш қурилмалари, радиоизотопларни ишлаб чиқариш амалга оширилди.

Академик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги ҳузурида Инновацион ривожланиш масалалари бўйича кенгаш ташкил этилди. Кенгаш таркибига 30 нафар етакчи олим ва мутахассислар киритилди. Кенгаш раиси этиб Президентимиз раҳбарлигида ишлаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги директори Ботир Жўраев тайинланди.

Кенгашнинг асосий вазифаси инновацион ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга доир таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, инновацион ривожланиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиришдан иборат.

Кенгаш ўз олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ,